



# ХАВАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1996 йил, 19 январь № 3 (180) ●

Сотувда нархи эркин

**Алоқа вазирлигининг кенгайтирилган йиғилишида алоқа ташкилотлари ҳамда корхоналари раҳбарлари иштирокида 1995 йил якуни ва 1996 йилда соҳада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича асосий вазифаларни белгилаб олиш каби масалалар кўрилди. Йиғилишда Алоқа вазири Т. Ф. Раҳимов маъруза қилди.**

Маърузада Ўзбекистон алоқа корхоналари ўтган 1995 йилда белгиланган асосий вазифаларни баҳоли қудрат уддалагани таъкидланди. Аҳолига ва халқ хўжалигига алоқа соҳасининг барча турлари бўйича хизмат кўрсатиш таъминланди, телекоммуникация тармоқларини тараққий эттириш ҳамда ривожлантириш, республика алоқа тизимида иқтисодий ислохотларни кенгроқ жорий қилиш йўлида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўтган 1995 йили 4575,6 миллион сўм миқдорда даромад кўрилди, аҳолига 841,4 миллион сўмлик алоқа хизмати кўрсатилди, асосий фаолиятдан 2123,2 миллион сўм фойда олинди, рентабеллик даражаси 53,9 фоизни ташкил этди. Алоқачиларнинг ўртача иш ҳақи 1530 сўм бўлиб, бу кўрсаткич 1995 йилнинг декабрь ойига келиб 1995 сўмга етди. Ўтган йилда 124,2 миллион сўмлик қурилуш-пайвандлаш ишлари ражарилди. Янги 20,0 минг ракамга мўлжалланган АТСлар, 28,0 километр алоқа кабель линиялари, учта янги АТС бинолари фойдаланишга топширилди. Тошкентдаги 36 ва 44-АТСлар, Наманган шаҳридаги автомат телефон станциялари ракамди электрон тизимга ўтказилди. Транс-Осиё-Европа кабель магистрали қурилиши бошлаб юборилди. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни биринчи босқичдаги қатор вазифалар Матбуот тарқатиш, қурилиш, санбоат, моддий-техника таъминоти каби алоқа корхоналарида амалга оширилди.

Ўн саккизта алоқа хиссадорлик жамиятларида 4332 киши банд. Ўтган йилда ишлаб чиқариш ҳажми 212,8 миллион сўм бўлиб, бунда ходимлар сони 9,8 фоиз ва олинган даромад 5,6 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда 7 та жамоа ва 1 та хусусий корхона фаолият кўрсатмоқда. Чет эллик ҳамкорлар ўзаро шартномалар асосида алоқа

иншоотларини тараққий эттириш ва замонавий алоқа техникалари билан таъминлашда кўпроқ амалий ишларга жалб қилинди. Ўзбекистон телекоммуникация тармоғини ривожлантиришда Германия, Япония, Жанубий Корея, АҚШ ва бошқа давлатларнинг фирмалари иштирок этмоқда. Ўзбекистон жаҳоннинг 20 та давлатига «чиқиши» учун алоқа каналларига эга, халқаро телефон алмасуви 1995 йили 1,3 маротабага ўсди.

бефарқ қарашади, бозор қонуниятларини яхши билишмайди, уларнинг 3,4 фоизи эгаллаб турган лавозимига муносиб эмас.

— 1996 йилдаги асосий вазифалар, — деди пировардида Алоқа вазири Т. Ф. Раҳимов, — Республика телекоммуникация тармоқларини тараққий эттириш ва ривожлантириш Миллий дастуридан келиб чиқади. Жорий 1996 йилда ушбу дастурда белгиланган долзарб вазифаларни бажаришга тўғри

чиқялашган алоқа колоннаси бошлиғи Ш. М. Носиров, Алоқа вазирлигининг электралоқа бўлими бошлиғи М. Ж. Содикова, Наманган вилояти электралоқа корхонаси бошлиғи Х. С. Нурматовлар сўзга чиқиди.

Қабул қилинган қарорда 1996 йилги вазифаларни амалга ошириш борасида зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Алоқа вазирлиги бўлималарига Миллий дастур ва республика Алоқа вазирлиги тўғриси-

фатини таҳлил қилиб бориш каби топшириқлар берилди.

Хайъат йиғилишида «Алоқавест» хиссадорлик жамиятининг Миллий дастурга асосан алоқа иншоотларини қайта таъмирлаш ва қуриш бўйича белгилаб олинган чора-тадбирлари тасдиқланди. Хайъат аъзолари «Ўзбекистон почтаси» концернининг почта алоқасида хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш, аҳоли ва халқ хўжалиғи талабини қондириш мақсадида баъзи хизмат турларини кўпайтириш йўлидаги бир қатор тадбирларини маъқул деб топишди.

Алоқа вазири ўринбосари А. Х. Жўрабоев алоқа соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш ва келгусидаги вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1995 йил 26 ва 29 декабрда Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган ҳулосаларни тўғрисида маъруза қилди. Маърузачи алоқачилар ўзларининг ишларига танқидий баҳо берган ҳолда қисқа муддатларда мавжуд етишмовчилик ва хатоларни бартараф этиб, хизмат кўрсатиш маромини кўтаришлари лозимлигини айтиб ўтди.

Хайъат аъзоси М. М. Маҳмудов йиғилишда Алоқа вазирлигининг Марказлаштирилган жамғармаси маблагларининг шарқиланиши ва жорий йилда уни шакллантириш тўғрисида ахборот берди. Бу масала юзасидан Алоқа вазири Т. Ф. Раҳимов Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган «Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тўғрисидаги Ниҳоз-га мувофиқ вазирлиқ Марказлаштирилган жамғарма тузиш, шакллантириш ҳуқуқи берилганлигини айтди. Вазир Раҳбарлар Кенгаши аъзоларига беш йиллик самарали меҳнатлари учун миннатдорчилик билдирди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича хайъат тегишли қарорлар қабул қилди.

Хайъат йиғилишида Республика Вазирлар Маҳкамасининг Транспорт ва алоқа бўлими муdiri Ш. К. Қодировлар иштирок этди.

Хайъат йиғилишида Алоқа вазири Т. Ф. Раҳимов бир гуруҳ алоқачиларга вазирлиқнинг «Моҳир алоқачи» нишонин, Фахрий Ерликлар ҳамда қимматбаҳо совғаларни топширди.

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқати томонидан телекоммуникация тармоқларини 2010 йилгача тараққий эттириш ва ривожлантириш Миллий дастури ҳамда республика Алоқа вазириги тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

— Ўтган 1995 йилда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда юқори сифатга эришилгани йўқ, — дея таъкидлади Алоқа вазири Т. Ф. Раҳимов, — шунингдек, почта хизматиде иш ҳажми камайишининг олди олинмади, жўнатмалар юбориш 4,7 мартага камайди, 1994 йилга нисбатан жўнатмалар юбориш ҳажми 13 фоизгача камайиб кетди. Баъзи кўрсаткичларга кўра электралоқа корхоналарида ҳам хизмат кўрсатиш ҳажми пайсанг, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар ҳажми 88 фоизгача, телефон тармоқларидаги абонент қурилмалари 3,0 минггага камайган.

Алоқа корхоналарининг жуда катта миқдорда дебитор ва кредит қарзлари мавжуд. Масалан, «Ўзбектелеком» концерни корхоналарининг дебитор қарзлари 1 миллиард сўмни ташкил қилади. «Останкино» Россия телерадиокомпанияси, Тожикистон Республикасининг Алоқа ва маданият вазирликлари, Туркменистон миллий телерадиокомпанияси катта миқдорда қарздор. Молиявий жиҳатдан радиотелевизион корхоналар оғир аҳволда. «Алоқавест» хиссадорлик жамияти, «Промсвязь», ЎзДАЛИда ишлаб чиқариш қуввати етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Раҳбар мутахассисларни аттестациядан ўтказиш шуну кўрсаткичи, кўлаб раҳбарлар ўз билим даражасини оширишга

келади, соҳада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришни давом эттириш, эришилган ижобий натижаларни кўлдан бой бермаган ҳолда почта алоқасида хизмат кўрсатиш ҳажмини кенгайтириб, бир маромда боришини таъминлаш, иш сифатини ошириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг иккинчи босқичини амалга ошириш, раҳбар ходимлар ва ишчи-хизматчиларни тайёрлаш маромини юқори поғонага кўтариб, уларни тадбиркорлик ва ишбилармонлик руҳида тарбиялашга катта аҳамият бермоқ зарур.

Ушбу йилда кўзда тутилган ҳисоб-китобларга мувофиқ 5466,4 миллион сўм даромад қилиш, 2600,5 миллион сўм миқдорда фойда кўриш режалаштирилган. Шунингдек, Миллий дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун 6432,4 миллион сўм миқдорда маблаг керак бўлади. Жорий йилда 300,0 минг ракамга мўлжалланган замонавий ракамди электрон АТСлар қуриш, 800 километрик масофада шиша толали янги кабел магистралини бунёд этиш лозим.

Йиғилишда алоқа тизимида ўтказилган аттестация якуни бўйича Алоқа вазири ўринбосари А. Х. Жўрабоев ахборот берди.

Қурилган масалалар муҳокамаида «Ўзбектелеком» концерни раиси Т. М. Бикметов, «Ўзбекистон почтаси» концерни раиси Р. Э. Зикиров, Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолоштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Ш. Ш. Обидхўжаев, Самарқанд вилояти кўчма механизма-

даги Низомга асосан давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, мулкчиликнинг қайси тўридан қатъий назар, барча корхоналарга бир хил шароит яратиб беришни таъминлаш, соҳада ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар самарадорлигини ошириш, молиявий фаолиятни мувофиқлаштириш, алоқа корхоналарини тараққий эттириш ва ривожлантириш учун кенг миқёсда сармояларни жалб қилиш, хизмат кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқаришда юқори сифатга эришиш, жамоаларда тарбиявий ишларни кучайтириш каби муҳим вазифалар топширилди.

«Ўзбектелеком» концернининг Миллий дастур талабларига мувофиқ Ўзбекистон телекоммуникация тармоғини ривожлантириш борасида ишлаб чиққан Концепцияси ва амалий чора-тадбирлари маъқулланди. Шунингдек, ушбу концерн ҳамда электралоқа корхоналарига 1996 йилда янги техника ва илгор технология асосида электралоқа воситаларини ривожлантириш борасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилди. Шу билан бирга «Ўзбектелеком» концернининг хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришда сифатни тубдан яхшилаш бўйича белгиланган тадбирлари маъқулланиб, Алоқа вазирлигининг электралоқа бўлими, Давлат алоқа назорати, концерн, электралоқа корхоналарига жойларда белгиланган тадбирлар бажарилишини қатъий назорат қилиш, узлуқсиз равишда хизмат кўрсатиш ва иш си-

### ОЛАМДА НИМА ГАП?

\* Янгиликлар \* Воқеалар \* Хабарлар

\* Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 16 январь кун Туркменистонга амалий ташриф буюрди. Чоржўй аэропортида Ислам Каримовга Туркменистон Президенти Сапармурод Ниязов пешво чикди.

\* 16 январь кун Олий Мажлис Раиси Э. Халилов Тожикистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси-

даги Фавкулотида ва Мухтор Элчис Т. Н. Мардонни ҳамда Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Муваққат ишлар вакили Х. Ю. Кайяхолдин уларнинг илтимосига биноан қабул қилди.

\* Мустақил Ўзбекистонимиз, унинг меҳнаткаш халқи ўз Куролди Кучлари ташкил этилганлигининг тўрт йиллиги — Ватан ҳимоячилари кўнини кенг нишонлади.

\* Шаҳрисабз ва Самарқанд шаҳарларида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабоев раислигида удув бобокоралиқ Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлди.

\* Республика киночилар уюшмаси Ўзбекистон халқ артисти, давлат мукофоти соғириндори Ҳамза Умаров таваллудининг 70 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказди.

\* Достойининг Первомайск қўрғонда қиналарни гаровга ушлаб турган чечен жангарилари билан Россия федерал қўшинлари ўртасидаги туқнашув тобора фожеавий тус олмади.

\* Ишончли манбаларнинг хабар беришича, Хитой ер ости ядро қуролини синишта тайёргарлик кўрмоқда.

\* Осн тараққийт банк Қозғоистон Республикаси ҳуқуқатида 20 миллион АҚШ доллари миқдорда илтиёзли қарз ажратди.



## ОММАБОП УЯЛИ РАДИОАЛОҚА ТАРМОҒИНИ ЯРАТИШ ВА УНДАН ҲОИДАЛАНИШ ҲАҚИДА

# ЙҮРИҚНОМА

### 1. Умумий қоидалар

Ушбу йуриқнома уяли радиоалоқа тармоғини яратиш, ундан фойдаланиш ҳамда уяли алоқа тармоқларининг умумдавлат ва бошқа электралоқа тармоқлари билан ўзаро муносабатини мувофиқлаштириш борасидаги асосий ҳолатларни акс эттиради.

### АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА АТАМАЛАР:

Уяли алоқа — симсиз радиотелефон алоқасининг бир кўриниши бўлиб, уяли, маҳаллий, шаҳарлараро ҳамда халқаро тармоқ абонентлари ўртасида овозли алоқа, маълумотларни юбориш ва видеоалоқани таъминлайди.

Уяли алоқа стандарти — асосий техник характеристикаси Халқаро электралоқа иттифоқи (GSM, AMPS, NMT) қабул қилган алоқа йўсини, частота диапазонида фойдаланиш ва бошқа параметрлар тамойилига асосланган;

Уяли алоқа тизими — техник воситалар, лойиҳалар, шунингдек, маълум бир номерация тамойиллари, сигнализация, ҳисоб-китоблар, тарифлар, Ўзбекистон ҳудудида белгиланган стандарт бўйича ишлатиш, хизмат кўрсатиш ва бошқаришнинг мажмуидир;

Уяли алоқа тармоғи — маълум бир ҳудудда уяли алоқа хизмати комплекси кўрсатиши таъминлайдиган техник воситалар мажмуидир;

Уяли алоқа тармоқларини (маҳаллий, ҳудудий, миллий) белгиланган тартибга кўра рўйхатдан ўтган ва тегишли лицензияси бўлган юридик шахс операторлар орқали тегишли хизмат турларини яратишлари ва уни амалга оширишлари мумкин.

Ўзбекистонда AMPS-2 тизими, GSM-2 тизими стандартлари бўйича ишлайдиган тўртта миллий уяли алоқа тармоғини: NTM-450 (Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона водийси ва ҳ.з.о.) андозасида ишлайдиган ўн та ҳудудий тармоқни, маълум бир белгиланган

жойда хизмат кўрсатишга мўлжалланган маҳаллий уяли алоқа тармоқларини яратиш мумкин.

Битта юридик шахсга икки ёки ундан ортиқ миллий тармоқларда уяли алоқа хизматини жорий этиш ва ишлатишга йўл қўйилмайди. Уяли алоқа тармоғини яратиш ва ишлатишнинг давлат томонидан мувофиқлаштириб туриш фаолият турини лицензиялаштириш ва ускулналарни сертификация қилиш орқали амалга оширилади. Лицензия олиш ҳуқуқи низомида уяли алоқа тармоғини ишлатиш ва тегишли хизмат турини кўрсатиш асосий фаолият тури сифатида кўзда тутилган юридик шахсларгагина берилади.

Миллий ва ҳудудий уяли алоқа тармоғининг операторлари ўз саъй-ҳаракатлари ва имкониятлари эвазига умумий хизмат тармоғи оператори белгиланган тарифлар бўйича умумий, маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро алоқа тармоқлари билан ула-нишни таъминлайди.

Миллий уяли алоқа тармоғи операторлари мустақил равишда барпо этилган техник воситалар орқали халқаро ва шаҳарлараро алоқа бўйича хизмат кўрсатишлари мумкин.

Уяли алоқа тармоғининг умумий тармоқлар ҳамда бошқа тармоқлар билан ўзаро муносабати алоҳида шартномалар асосида мувофиқлаштирилади.

Бахтсиз ҳодисалар юз берганда, фавқулодда ҳолатларда бошқарув ва ҳокимият органларининг махсус қарорига кўра уяли алоқа тармоғи операторларини сафарбар қилиш мумкин.

Ўзбекистонда уяли алоқа тармоқларини ташкил этиш ва уни ишлатишга лицензия бериш ваколати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасарруфидадир.

Миллий уяли алоқа тармоқларини яратиш ва тегишли алоқа хизмати кўрсатиш ҳақидаги лицензия ўн йилдан кам бўлмаган муддатга берилади. Ҳудудий ва маҳаллий уяли алоқа тармоқларини яратиш ва ишлатиш борасидаги лицензия эса Ўзбекистон Республикаси Ало-

қа вазирлиги томонидан беш йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Юридик шахслар миллий ва ҳудудий уяли алоқа тармоғини яратиш ва ишлатиш учун лицензия олиш учун ўн кунлик муҳлатда хизмат кўрсатилаётган жойда аҳоли жон бошига 0,7 АҚШ доллари миқдорида лицензия берувчи идорага маблағ ўтказадилар. Айни чоғда уяли алоқа тармоқлари юридик шахс сифатида корхона, ҳиссадорлик жамияти, қўшма корхона шаклида яратилиб, ишлатилганда акцияларнинг давлат ҳиссасига тўғри келадиган нисбати 30 фоиздан кам бўлса, лицензия тўлови кўзда тутилмайди, акцияларнинг давлат ҳиссасига тўғри келадиган қисми эса белгиланган тартибга кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бошқарилади.

Маҳаллий уяли алоқа тармоқларини яратиш учун лицензия нархлари Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг оз иш ҳақининг юз баробари миқдорида белгиланади.

Битта стандарт ва битта жойда миллий, ҳудудий ва маҳаллий уяли алоқа тармоқларини яратиш учун икки ва ундан ортиқ ариза тушганда лицензия бериш масаласи танлов асосида ҳал қилинади.

Уяли алоқа тармоғини яратиш ва ишлатиш учун лицензия олишда белгиланган тартибга кўра буюртма берилади, уяли алоқа тармоғини яратиш ва ишлатиш дастури ҳамда юридик шахснинг Низоми тақдим этилади ҳамда куйидагилар ҳақидаги ёзма мажбуриятлари олинади:

магистрал ва халқаро алоқа линияларини лойиҳалаштиришда давлат, халқаро ва маҳкамаларнинг стандарт, меъёр ва қоидалари талабларини бажариш;

қурилиш бўйича — магистрал ва халқаро алоқа линиялари иншоотлари қурилиши бўйича давлат, халқаро ва маҳкамаларнинг стандартлари ва меъёрини бажариш;

ишлатиш бўйича — алоқа иншоотидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш, давлат, халқаро андоза ва меъёрларига му-

вофиқ келадиган линияларнинг сифат кўрсаткичлари ва тавсифларини таъминлаш. Сифатли алоқа хизмати кўрсатиш, алоқа соҳасидаги тариф сиёсатини мувофиқлаштириш шартларини бажариш ҳамда керакли статистик маълумотларни тақдим этиш. Турли тантанали тадбирларда алоқа хизматини йўлга қўйиш.

Лицензия олиш ҳақидаги ариза берилган муҳлат ичида кўриб чиқилади.

Лицензия бериш ва уни қайд қилиш юридик шахс томонидан лицензия ҳақини тўлагандан сўнг амалга оширилади.

Уяли алоқа тармоғини яратиш ва ундан фойдаланиш ҳақидаги лицензия уни берган идора томонидан куйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

лицензия олиш ҳақидаги ҳужжатларда нотўғри маълумот борлиги аён бўлса;

юридик шахс томонидан зиммага олинган мажбурият бажарилмаган тақдирда;

Ўзбекистон Республикаси Қонунлар мажмуасида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

лицензия берган идора томонидан лицензияни бекор қилиш учун асос борлиги аниқланса, бу идора юридик шахснинг йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш лозимлиги ҳақида огоҳлантиради. Агар юридик шахс ўттиз кунлик муҳлатда камчиликларни тугатмаса, лицензия берган идора лицензияни бекор қилади ва корхона (ҳиссадорлик жамияти, қўшма корхона) фаолиятини тўхтатиш муҳлатини белгилайди.

Лицензияни бекор қилиш ҳақидаги қарорнинг нусхаси уч кун мобайнида юридик шахс ва ҳокимлик манзилига етказилади.

Юридик шахс қарорнинг нусхасини олгандан кейин ўттиз кун ичида лицензиянинг берилмаётгани ёки уни бекор қилинишидан норози бўлиб шикоят қилиши мумкин.

Алоқа корхоналарида кўп йиллик самарали меҳнати ва малакали мутахассисларни тайёрлашдаги хизматлари учун бир гуруҳ алоқа ходимлари муносиб тақдирландилар. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг буйруғига кўра, Қорақалпоғистон Давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасига қарашли Нукус шаҳар телефон тармоғининг 5-АТС муҳандиси Женимур Сейидов, Қашқадарё Давлат почта алоқа корхонаси бошлиғи Бойму-

### МУКОФОТЛАР МУБОРАК

род Тўлаев, Республика радиоошиштириш ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Тошкент радио-телевидение узатиш маркази, УКВ цехи смена бошлиғи Рудольф Турсуновларга Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг «МОҲИР АЛОҚАЧИ» фахрий унвони берилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Собир Раҳимов телефон боғламаси, 44-АТС станция муҳандиси Жамолдин Тўйчиев, «Ўзбекистон почтаси» концернига қарашли Халқаро Почтамтнинг почта вағони бошлиғи Сайфитдин Асомидинов, Тошкент Электротехника алоқа институти радиоалоқа, радиоошиштириш ва телевидение факультети декани Омонжон Абдуазизов, Ўзбекистон алоқа лойиҳалаш институти етакчи муҳандиси Шавкат Мўминжонов, «Ўзбек-алоқанивест» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Ўзбекалоқа-қурилиш» корхонаси кабел маҳсулотни бўйича муҳандис Людмила Мякушолар Алоқа вазирлигининг «ФАХРИЙ ЕРЛИ-ФИ» билан мукофотландилар.

### \* Алоқа матбуот кўзгусида

## ШАМОЛ ТЕЛЕФОНИ

Шамолдан қувват олиб ишлайдиган биринчи телефон станцияси Польшанинг Лешинск воёволлигидаги Липино қишлоғида ишлаб бошлаган. 18 метр баландликдаги минорага ўрнатилган двигател шамолнинг телиги секундага уч метр метрга етиши билановат ишга тушади ва икки киловатт қувват беради. Шамол кучайиб, секундага 10—12 метр тезликда эсганида қувват 16 киловаттга етдики, бунча қувват станцияга қўпик қилади, шунинг учун ортиқча қувватдан станцияни ҳамда почта бўлимини иситишда фойдаланилади. Бунинг муҳим жиҳати шундаки, бу ерларда кучли шамоллар асосан куз, қишда бўлади. Липинода йилнинг ўртача 210 кун мобайнида анчагина кучли шамол эсиб туради, бошқа вақтларда станция аппаратлари электр тармоғидан қувват олади. Йил давомида шамол двигатели ўн тонна кўмирни тежаб қолиш имконини беради.

Польшалик мутахассисларнинг фикрича, мамлакатдаги яна мингта яқин мўъжазгина телефон станцияларини шамолдан қувват олиб ишлашга ўтказиш мумкин.

«Ўзбекистон почтаси» концерни жамоаси Иктиод ва молия бўлими бошлиғи Людмила Владимировна ОСИНАНИНГ бевақо вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.



«Тил», «эл», «ул» каби қадим туркий сўзлардан яна бири «ел» бўлиб, бу сўз аввало «хаво», «шабада», «шамол» маъноларини англатади. Масалан, «Коптқоннинг ели чиқиб кетди» деганда биз унинг ичидан хаво чиқиб, бўшашиб қолганини тушунамиз. Ёхуд, «Умрингни елга совурғунча элга совур» мақолида «ел» сўзи «шамол» маъносини, айнаи чоғда «бекор», «беҳуда», «бўшага» каби қўшимча маъноларни англатади. «Оғзининг ели билан иш битиради» иборасида эса, гап «хаво» маъносига эмас, муайян «нафас», «дам», «буйруқ», «кўрсатма»... хусусида кетаётганини аглаймиз.

Бошқа ўзақдош сўзлар каби, тилимиздаги «ел» ўзаги асосида ясалган сўзлар ҳам бир қарашда ўзаро мантқан йироқ маъноларни аглада олади. Айнаи чоғда, уларнинг бир ўзақдан ўсиб-унгани, ўзаро ўзвий боғлиқлиги ҳам аглашилиб туради. Тилимизнинг буюк тил эканлиги, бекиёс ифода қудратини мана шу ҳодисада, хусусан «ел» ўзагига қурилган сўзларда аён кўриши мумкин: елка, елпигач, елви-елим, елдим, елпатак, еллан-еликмоқ, елакмамоқ...

Даставвал «ел» ўзагидан ясалган отларнинг маъноларини мушоҳада қилиб кўрсак, бир қарашда «елка қаёқда», «елкан қаёқда, нахот шу сўзлар ўзақдош бўлса?» деб ўйлашингиз мумкин. Ҳолбуки елка шунинг учун елка деб аталади, ел, яъни хаво, шабада, шамол, худди офтоб, емғир, қор... каби даставвал, одамнинг елкасига те-

гади. Елкан эса, елнинг кучи билан кемани ҳаракатга келтирувчи сирма матодир.

Жаҳоннинг кўпгина тилларидан фарқли ўлароқ туркий тилимиздаги ҳар бир от, жумладан, «ел» ўзагига қурилган бошқа отларда ҳам шундай бир ажиб лугавий маъно мавжуд. Тилимизда ўзақ маънога эга бўлмаган сўзнинг ўзи йўқ. Масалан, елим елга, ҳатто салгина элпигач ҳам тез қурийдиган нарса. «Елвизак» — ел бир томонидан ки-

нисбатан ҳам пурмаънороқдир. У муайян ижтимоий ҳодисанинг мазмун-моҳиятини «лаганбардор»га нисбатан тўлароқ, мукамалроқ, серқиррароқ ифодалаш қудратига эга.

Энди «елдим» сўзини бошқа туркий сўз ва иборалар орқали изоҳлайдиган бўлсак, бу сўз елдек келиб, селдек кетувчи, елиб-югурувчи, тиниб-тинчмаган, учар, учалоқ деган маъноларни билдиради. Усмонли туркларини ҳукмдори «Йилдирим Боязид», яъни

ҳодисани «еликдим» деб қўя қолади. Биз баданимиздаги бод ели ё ичорикни «ичим дам бўлиб кетди» ва ҳоказо деб «чиройлироқ» қилиб айтмиз, халқимиз эса айнаи аҳвол-руҳияни бир сўз билан «елландим» дейди.

«Югурганики эмас, буюрганики» дейдилар. Мазкур мақолдаги «югурган» ким? Елакланган, яъни елдек учган, елиб-югурган одамдир.

Ҳар бир тил халққа буюрилган, берилган илоҳий неъматдир.

Тил халқнинг энг бебаҳо ва энг бекиёс мулки. Бу мулкдан кўнгилдагидек бахраманд бўлмас эканмиз, она тилимизнинг бекиёс қудратини дилдидан ҳис қилмас эканмиз, жаҳон тилларини қанчалик кўп ва хўп ўрганмайлик, охири-оқибати, бекор-беҳуда елаклаганимиз қолади, холос.

Она тилимизда «ел» ўзагига қурилган яна бир сўз борки, бу «елиндир». Елин—ийиб, сўт билан тўлгунга қадар елдан—бўшлиқдан иборат бўливи, агар иймаса, тобора сути тортулиб, қақшаб-қуруқшаб кетаверувчи аззойи бадандир. Онани эса, маълумки, бола меҳридан бошқа ҳеч бир куч ийди-ролмайди.

Ўзингиздан қолар гап йўқ, бизнинг ифода қудрати чексиз она тилимиз жуда кўп йиллар озмунча қақшаб-қуруқшамади.

Энди ана ўша елқанинг чуқурида нима бор-нима йўқлигини ҳам жиддийроқ ўйлайдиган фурсат етди.

«Елқанинг чуқури» иборасининг лугавий маънолари хусусида кафтдек кина мақолача эмас, елкадек дoston эъса бўлади...

### ОТАУЛИ

## ЕЛҚАНИНГ ЧУҚУРИ

\* Сўз ҳақида сўз

риб, иккинчи томонидан чиқиб кетадиган жойда бўлади. «Елпигач» — сунъий ел, яъни шабада ҳосил қиладиган нарса.

«Ел» ўзагига қурилган бошқа сўзлар — сифатлар ва феълларнинг маънолари шу ўзақдаги отларнинг маъноларига нисбатан ҳам теранроқдир. Масалан: «елпатак» дегани елиб-югурувчи, гирдиқалпак бўлувчи, ёқангдан кириб, енгиндан чикувчи, ҳуллас, бир сўз билан айтганда, лаганбардор демакдир. Кўришиб турибдики, туркий сўз — «елпатак» форсий сўз — «лаганбардор»га

ўзимизча талаффуз қилганда, «Елдим Боязид» деб таърифланади. Нега? Чунки Боязид табиатан ана шу «елдим» сўзи англаувчи хусусиятлар соҳиби бўлган.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида «елланмоқ», «еликмоқ», «елакмамоқ» феъллари қарийб учрамайди, улар эскирган сўзлар деб талқин қилинади. Ҳолбуки бу сўзлар олдий халқ тилида кенг қўлланилади ва уларнинг маъноларини кўпчилик жуда яхши билади.

Масалан, ўзларини зиёли ҳисобловчилар «шамоллаб қолдим», «газак олди» ва ҳоказо дейди, халқ эса, айнаи



Кўнгил англа, парвона ҳурлар, Эшитгандир фарёдларингни.

Балолардан асрасин пирлар, Улуғ Темур авлодларини.

### АМИР ТЕМУР ҲИТЛАРИ

Раят аҳволидан огоҳ бўлдим, улдуларини она қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим.

Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг ашроф-улуглари ва бузурғлари билан ошна тутиндим. Уларнинг мижозларига, табиатига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларини уларга ҳоким қилиб тайинладим.

Ҳокимлар, сипоҳ ва райятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.

Яхшиларга — яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига тошпирдим. Ким менга ду-

стлик қилган бўлса, дўстлиги қилганини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим.

Фарзандлар, қариндошлар, ошна-оғайни, қўшниллар ва мен билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни даълату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, ҳақларини адо этдим.

Дўст-душманлигига қарамай, ҳар жойда сипоҳийларни ҳурмат қилдим, чунки улар боқий мато бўлган жонларини фоний дунё моли учун сотадилар. Уларини маъракамайдон, ҳалокатга отиб, жонларини қурбон қилдилар. Агар ганим сипоҳидан бирор одам ўз валинети-матига сийқилишдан хизмат қилиб уруш қилларда менга қарши қилгич нисбатан дўст-марҳаматлар кўрсатдим, қошимга (паноҳ истаб) келганда, уни қадрлаб, ҳаққат билан хизмат қилишига ишондим.

Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорлигини унутиб, хизмат вақтида ўз соҳибидан юз ўгириб, меннинг олдимга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим.

Давлат агар дину ойин (қонда, расм, тартиб, усул, олат, равиш) асосида қурилмас экан, тура-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса, назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган тоғиз, эшиги-тўсиги йўқ уйга ўхшайди.

Мен ўз салтанатимни дини ислом, тура ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришда учраган ҳар қандай ноқас ва ишчи тузук асосида бажардим.

### ХАНДАЛАР

Хўжайин касал бўлиб қолган ҳодимини кўргани борипти:

— Мен «тулки»лик қиялсан деб ўйлаган эдим, мана ҳозир мамнуният билан айтишим мумкинки, сен ростдан ҳам касал экансан...

Актриса машҳур фотографияда суратга тушибди-да, икки кундан сўнг уларни олар экан, зорланбди:

— Муна хунук чиқибди. Ўтган гал сувратлар жуда яхши чиққан эди.

— Ҳа, хоним, ўтган гал мен ўн ёшга ёш эдим-да...

Киш. Хонада чол-кампир чой ичиб ўтиришпти. Чол дейди:

— Кампир, кел, бир ёшлигимизни эслайлик.

— Майли, бор, дарвозанинг олдига чиқиб мени кўтиб тур.

Чол чиқиб кута бошлапти. Орадан икки соат ўтса ҳамки кампир келмапти. Совқотиб, роса жаҳди чиққан чол хонага қайтиб кириб зугум қилибди:

— Ҳа, кампир, нега чиқмадинг?

— Онам рухсат бермадилар.

Эр:

— Гапларинг тентакнинг гапларига ўхшайди-я? Хоним:

— Сени тушунсин деб жўрттага шундай гапиряпман-да!

Икки дугона учрашиб қолишбди:

— Вой биласанми, мен нақ икки килограммга озиб кетибман.

— Уна-элгинг билан тортишувдим?

— Менга қара, агар яна хотинимга шилқимлик қилсанг, бошингни калтак билан ёрман.

— Кеҳирасиз, калтагингиз йўқ-ку?!

МУАССИСА: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид Жўрабоев Шўхрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ  
Иzzат АҲМЕДОВ (Масъул котиб)  
Миршўлат МИРЗО  
Тоҳир РАҲИМОВ  
Ёқубжон ХўЖАМБЕРДИ  
Бобоҳон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўриной АҲМЕДОВ

ОТАУЛИ  
Сайдахмуд АКБАРОВ  
Шоҳруҳ АКБАРОВ  
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ  
Жамол КАМОЛ Тўққин  
ЛУТФУЛЛАЕВ  
Тоғай МУРОД  
Сафар ОСТОНОВ  
Нурали ҚОБУЛИ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарриратга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва сувратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолаларнинг фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар жасуувидаги муаллифлар зиммасидадир. Рўйхатга олин №000011. Буюртма №Г-045. 9894 нусхада чоп этилади. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босяма табоқ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШИРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 5



ДУШАНБА, 22

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 7.30 «Хайтаном».

8.00-8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми). 8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Мухаммадун Расулulloҳ» 2-фасл. 2-қисм.

10.05 «Ўзбектеlevision» кўрсатади: «Той бола». 10.25 Бокс. Ўзбекистон чемпионати. 11.05 «Ишбилармон».

11.50 Ўзбекистон Давлат телерадиокмпаниyasi хизмат кўрсатган хор жамоасининг концерти. 12.25 «Оксалиш йўлида».

12.40-14.00 «Айбанининг севгиси» Бадий фильм. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар.

18.10 «Хумо» Эшқобил Шукрнинг муаллифлик кўрсатуви. 19.25 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Эълонлар. 19.50 Оқшом эртаклари.

20.05 Биржа ва банк хабарлари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот».

20.50 Эълонлар. 20.55 «Хумо» туркум кўрсатувининг давоми. 21.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Мухаммадун Расулulloҳ» 2-фасл. 3-қисм.

22.15 «Хумо» туркум кўрсатувининг давоми. 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот».

23.50-00.50 Бокс. Ўзбекистон чемпионати. Финал.

18.00 Янгиликлар. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Мультфильм».

18.40 «Палитра». 19.05 «Постфактум». 19.15 «Фармед».

19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Эълонлар.

19.50 «Мўжиза». Давид Копперфильд. 20.15 «Муслик йўлка».

20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Эълонлар. 20.55 «Курьер».

21.15 «...яна об-хаво ҳақида».

АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ 18.00 Янгиликлар. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Мультфильм».

18.35 «Троликанка». Телесериал (Бразилия). 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.45 Эълонлар. 19.50 «Бизнес уик».

20.05 «Муслик йўлка». 20.15 «АРТ - журнал». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот».

20.50 Эълонлар. 20.55 «Видеод».

21.15 Эълонлар. 21.20 «Кинонигоҳ».

23.00-24.00 «СПОРТ-КИТЪАСИ». 17.50 Янгиликлар. 17.55 Эълонлар.

18.00 «Ўзбекистоннинг сержило тошлари». «Хотира». Телефильмлар.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 7.30-9.00 18.20-21.40

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 21.40-23.20 23.20 Эълонлар. 23.25 Янгиликлар.

23.30 - 23.55 «Палитра». ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 18.10 - 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мульткарусель». 19.55 Эълонлар. 20.00 «Санта-Барбара».

Телевизион бадий фильм. 20.05 «Хорднет» телекомпаниясининг янгиликлари.

21.10 «Соккер-клуб» Футбол шарҳи. 22.10 Эълонлар. 22.15 «Саломатлик - туман бойлик».

22.45 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 23.45-01.15 «Кинематограф».

ЧОРШАНБА, 24 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

7.30 «Ахборот». 7.50-8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Мухаммадун Расулulloҳ» 2-фасл. 4-қисм. 9.10 «Савияти - бахтим».

Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаеванинг иккинчи кечаси. 10.30 Ҳуку кўрсатуви. Киме.

11.00 «Кашф этилаётган имкониятлар». 11.30 Инглиз тили. 12.00 Ургант шавар Мадраса Егубов Шероий номидagi 1. Мадааният уйи маком ансамблининг концерти.

12.45 «Бола бошидан...» Мақтабача тарбия масалалари. 13.25 «Биздан овоз ва обод Ватан қолгани».

13.55-15.10 «Шимол ёгдусини ёқинг». Бадий фильм. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар.



22.30 «Алламбалон». 22.50 «02» Ушқинида. 23.15 - 01.15 Мустафо Бафоев. «Умар Хайём» Опера.

ПАЙШАНБА, 25 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

7.30 «Ахборот». 7.50-8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Мухаммадун Расулulloҳ» 2-фасл. 5-қисм. 9.10 «Талимархон тўқчилари».

9.30 «Нурли сиймолар» Кинодастур. 10.00 «Оламни асранг».

10.30 Ҳуку кўрсатуви. Адабий. 11.00 «Ихбол». Қизлар танлов дастури. 12.00 «Сикст-саломатлик» постсидан.

12.30 «Гаранум» Муслик дастури. 13.05-15.05 «Ешлик» видеоканали. 17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Иланишлар шер» Мультфильм. 18.20 «Иланишлар қанотида».

18.50 «Ихлом». Иқдоркор ёшларнинг телевидизион клуби. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.45 Эълонлар. 19.50 Оқшом эртаклари. 20.05 «Ўзма-юз» Мулоқот.

20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Эълонлар. 20.55 Машраб газаллари билан айтайдиган ашуларлар.

21.35 Муборак Рамазон туҳфаси: «Мухаммадун Расулulloҳ» 2-фасл. 6-қисм. 22.15 «Армони дунё» Улмас Умарбеков. 23.30 «Ахборот».

23.50-00.30 «Оила». 18.00 Янгиликлар. 18.10 Эълонлар.

18.15 «Мультфильм».

18.35 «Троликанка». Телесериал (Бразилия). 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.45 Эълонлар. 19.50 «Алғасалом».

20.10 «Халқ вақий» (Юқори сифат). 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот».

20.50 Эълонлар. 20.55 «Хайванот оламнинг сирлари».

21.45 «Эм-Ти-Ви» оханглари ва Эълонлар. 22.05 «Санта-Барбара» Телевизион бадий фильм.

22.45 «Иқдоркор портретга чиқилар». Собир Самовийн эслаб... 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот».

23.50-00.50 «Ихбол». Қизлар танлов дастури. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Эълонлар.

18.15 «Мультфильм».

20.05 «Хайт ва қонун». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот».

20.50 Эълонлар. 20.55 «Масрифатнома».

21.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Мухаммадун Расулulloҳ» 2-фасл. 7-қисм. 22.10 «Хотира». Эрка Қори.

23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот».

23.50-00.15 Хиндистоннинг миллий байрами «Қадимий ва навирон Хиндистон». Ҳужжатли фильм премьераси.

АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ 18.00 Янгиликлар. 18.10 Эълонлар.

18.15 «Ривоят». 18.25 «Офарин».

19.00 «ЯКС» қўшиқлари. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.45 Эълонлар. 19.50 «Репортаж».

20.10 «Эртага - шанба». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот».

20.50 Эълонлар. 20.55 «Мадмунон чехралар».

21.20 «Таманно».

21.30 «Эм-Ти-Ви» оханглари ва Эълонлар. 21.50 - 22.40 «Санта-Барбара» Телевизион бадий фильм.

17.50 Янгиликлар. 17.55 Эълонлар. 18.00 «Умрга татигулик кун» Ҳужжатли фильм.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 7.30-9.00 18.20-21.40

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 21.40-23.20 23.20 Эълонлар.

23.25 Янгиликлар. 23.30-23.50 «Бу ажиб дунё».

18.10 - 19.40 Туркия телевидениеси. 19.40 «Мульткарусель».

19.55 Эълонлар. 20.00 «Бизнес академия».

20.40 «Бизнес академия». 21.05 «Тет-а-тет».

21.30 «Уй оstonдан бошланади». 22.15 Эълонлар. 22.20 «Оқ соя».

22.50 «Хилула сари». 23.15 - 00.25 «Дадиллик учун юз грамм». Кинокомедия.

ШАНБА, 27 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

11.10 Эълонлар. 11.15 «Глобус».

11.55 «Музик-холл». 12.25 «Миниторлар». Телефильм.

12.55 Камер куйларидан концерт. 13.25 «Ноқдун» Бадий фильм.

14.40 «Табалбар халқасида». 15.40 - 16.15 «Қалбада куш тас Телефильм».

18.10 - 19.40 Туркия телевидениеси. 19.40 «Сивдочча» Болалар учун дам олиш дастури.

20.00 Эълонлар. 20.05 «Санта-Барбара» Телевизион бадий фильм.

20.55 «Телеташирф». 21.10 «Бугунги Европа».

21.30 «Олам ва одам». 21.40 «Мамлакатлар воқеалар, одам».

22.25 Монитор-Осиё». 23.05 «Бу ажиб дунё».

23.25 «Шаҳар уйғуға кетганда».

23.45 - 01.15 «Кинематограф».

ЯҚШАНБА, 28 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

7.30 «Ахборот». 7.50 - 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 «Камалак» Болалар учун дам олиш дастури.

10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».

11.00 Муборак Рамазон туҳфаси: «Мухаммадун Расулulloҳ» 2-фасл. 8-қисм.

11.40 «Хазон бўлган ёшнинг» Яйра Окунбобоев номидagi Андижон Оқшом театри драма ва комедия театрини спектакли.

13.10 «Таширф». Дам олиш дастури. 13.40 - 15.40 «Нурли келажак». Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун «Уйнайлай Топ!».

19.15 «Осиё жаҳонда...».

19.25 Эълонлар. 19.30 «Панорама» (рус тилида).

19.55 Эълонлар. 20.00 «Италия таассуротлари».

1-кўрсатув. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Хайтаном».

21.00 Эълонлар. 21.05 «Илҳом сатрлари».